

## TERRA INCOGNITA

### РОССИЯНИНГ БИРИНЧИ УНИВЕРСИТЕТИ

**Санкт-Петербург давлат университети бугунги кунда Россия Федерациясининг энг етакчи олий таълим муассасаларидан биридир. Унинг бинолари бўйлаб саёҳат қилар экансиз, рус илму-фан салтанати тарихига яна бир бор қайтгандек бўласиз.**

Мазкур даргоҳ Петр I нинг фармонида биноан 22 январь 1724 йилда ташкил этилган.

Шохнинг талабига биноан университетда дарс бериш учун Европадан олимлар – математиклар Леонард Эйлер, Николай ва Даниил Бернулли, Христиан Гольдбах, астроном ва географ Жан Делиль, физик Георг Крафт ва бошқалар таклиф этилган. 1926 йилдан эса “барча фанга қизиқувчилар ва илмга интиланларни” очик маърузаларга таклиф этилади ва шу орқали оддий халқ ичида ўқишга рағбат уйғотилади.

Университетнинг биринчи ректори этиб, 1747 йилда машҳур тарихчи, этнограф, академик Герхард Фридрих Миллер тайинланган.

Университетга Михаил Ломоносов дарс бериш учун таклиф этилиб, 1747 йили олим илк мартаба физика фанини рус тилида ўта бошлади. Олий таълим даргоҳининг шуҳрати айнан бу ерда Фанлар Академиясининг президенти Кирилл Григорьевич Разумовский томонидан 1758–1765 йилларда ректор этиб тайинланган ва фаолият юритган Михаил Ломоносов даврида ортди. Михаил Васильевич университетдаги фаолияти даврида Венерадаги атмосфера борлигини исботлаган. Куёшни ўрганиб, унинг улкан



оловли шар эканлигини исботлаган. 1766 йили университет ўз фаолиятини тўхтатади.

### **Фанлар Академиясининг илк аёл раҳбари**

1783 йили Россия Фанлар Академиясининг директори лавозимиغا Екатерина Романовна Дашкова тайинланади. Россия тарихида бундай лавозимга аёл киши биринчи мартаба кўйилиши эди. Айнан шу йили Питербург университетининг илмий кутубхонаси шакллантирилади. Император Екатерина II Россиянинг Ўқитувчилар семинариясига XVIII асрда яшаб ўтган олим П. Ф. Жуков кутубхонасига мансуб бўлган 1100 жилдлик асарларни совға қилади. Бугунги кунда университетда олий таълим даргоҳида фаолият юритган 200 та профессорларнинг шахсий кутубхонасидан китоблар сақланиб, жамғарма ҳар йили тўлдирилади. Ҳозирда университетнинг М.Горький номидаги кутубхонасида 6,7 млн. дона китоб мавжуд.



1804 йилдан университет XVIII асрда қурилган 12 коллегия биносининг ярмида жойлашган эди. 1819 йили Александр I нинг буйруғига биноан Санкт-Петербург университети фаолиятини қайта тиклайди. 1821 йили Санкт-Петербург университетига Император университети мақоми берилади. XIX асрда Университетда турли хил илмий мактаблар ва жамиятлар фаолият юрита бошлайди: П.Л. Чебышев – математика, Э.Х. Ленца – физика, Д.И. Менделеева ва А.М. Бутлеровлар – кимё, А.Н. Бекетов – ботаника, И.И. Мечников ва А.О. Ковалевскаялар – эмбриология, И.М. Сеченов – физиология, В.В. Докучаев – тупроқшунослик, А.А. Иностранцев – геология, Ф.Ф. Соколов – антик давр


тарихи, К.Н. Бестужев-Рюмин – Россия тарихи, Н.И. Кареев – Европа тарихи, В.П. Васильев ва В.Р. Розен – ориенталистика йўналишларини очишган.

Олий таълим даргоҳида учта факультет бўлган: тарихий-филологик, фалсафий-ҳуқуқий ва физика-математика. 1830 йил 10 ноябрда император Николай I 12 коллегия биносини тўлиқ университетга бериш борасида фармонни имзолайди. Қайта реконструкция қилинган бинода Университетнинг тантанали очилиши 1838 йилда бўлиб ўтади. 1854 йилда эса шарқ тиллари факультети очилган. Айнан ана шу таркибда университет 1918 йилгача фаолият юритган.

### **Илк докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди**

1834 йил 8 март куни олий таълим даргоҳида К.А.Неволин “Қадимда қонунчилик фалсафаси тўғрисида” деб номланган илк докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1842 йили Санкт-Петербург университетиде оркестр ташкил этилади ва 4 апрель куни композитор ва дирижёр К.Б.Шуберт раҳбарлигида биринчи концерт садолари университетнинг мажлислар залида янграйди. Кейинчалик оркестрда ўз фаолиятларини машҳур мусиқачи ва композиторлар – А. Г. Рубинштейн, Н. А. Римский-Корсаков, П. Виардо, А. Е. Варламовлар фаолият олиб боришган.

1863 йилнинг июнь ойида янги университетнинг низоми қабул қилинади. Унга кўра, таълим даргоҳини профессорлар Кенгаши бошқариши белгилаб қўйилади. Улар ректор, проректор, декан, кафедра мудирлари ва профессорларни сайлаш ҳуқуқига эга бўлишган. Сайланган олимларни тасдиқлаш эса Вазир томонидан амалга оширилган. 1878 йили таълим муассасаси қошида профессор К. Н. Бестужев-Рюмин ташаббуси билан илк маротаба «Бестужевские» номини олган Олий хотин-қизларнинг ўқув курслари очилади ва у Россияда хотин-қизларга олий таълимга эга бўлиш имконини беради. Айнан шу курсларда Владимир



Лениннинг рафиқаси Надежда Крупская ҳам таҳсил олган. 1919 йили курслар университет таркибига киради.

### **Дмитрий Менделеевнинг оламшумул ихтироси**

Петербург университетининг асосий биносига киришда машҳур кимёгар Дмитрий Иванович Менделеевнинг кабинетига киришингиз мумкин. Ҳозирда у музейга айлантирилган. Менделеев нафақат кимёгар, балки физик, иқтисодчи, метролог, технолог, геолог, метеоролог, педагог, кемасоз ҳам эди. Университетда Д. И. Менделеев 30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида дарс берди. Талабалар унинг маърузаларини интизорлик билан кутишарди. Менделеев молия вазири С.Виттега ёзган хатида “ўқитувчилик Ватанга хизмат қилишнинг энг яхши усули бўлиб, ўзининг кўплаб шогирдлари Россия тараққиёти ва инсоният фаровонлиги йўлида хизмат қилишаётганини” (*Короткова З. Неизвестный Менделеев. [электронный ресурс. Дата обращения 04.01.2020] <https://www.nkj.ru/archive/articles/2173/>*) қайд этади. Айнан Санкт-Петербург университетидаги педагогика фаолияти даврида олим Кимёвий элементлар даврий жадвални тузади. Суюқликлар ва газлар физикаси борасида кашфиётлар қилади, қаттиқ жисмлар кимёси борасидаги фанни ўқув дастурига киритади, шиша ишлаб чиқариш технологиясини яратади. Биология, тиббий кимё, агрокимё, қишлоқ хўжалик кимёси борасида кимё йўналишларини ажратади.


### **Радионинг кашф этилиши**

Айнан университетда илк мартаба радио кашф этилди. Ҳаммага маълум, 1895 йили Рус физика-кимё жамиятининг физика бўлимида Александр Степанович Попов радиоалоқа борасида ўтказилган тажрибаларининг хулосалари бўйича маъруза қилади. Кейинчалик, 7 май – Радио куни деб эълон қилинади.

### **Александр Степанович Попов**

1896 йилнинг 24 мартда А. С. Попов ўзи ясаган қурилмада биринчи радиограмmani қабул қилди. Радиограмма “Генрих Герц” сўзидан иборат бўлиб, 300 метрга уни Поповнинг ассистенти П. Н. Рыбкин жўнатганди.





### **Биринчи Россия Физика институтининг очилиши**

1901 йил 9 сентябрда Санкт-Петербург университетидан Россияда биринчи Физика институтининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бино физик Иван Иванович Боргман лойиҳасига асосан қурилиб, жиҳозланди. Боргман Физика институтининг биринчи директори этиб тайинланди.

Университетда фаолият юритган қатор олимлар Нобел мукофотининг соҳиби бўлишган. Иван Петрович Павлов (1904), Леонид Витальевич Канторович (1938), Николай Николаевич Семёнов (1956), Лев Давидович Ландау (1962), Александр Михайлович Прохоров (1964), Василий Васильевич Леонтьев (1973) шулар жумласидандир.

### **Ольга Антоновна Добиаш-Рождественская — университетнинг биринчи аёл профессори**

1915 йил 1 июлда университетда “Ўрта аср Англия тарихи” бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган Добиаш-Рождественская профессорлик унвонига эга бўлади. Профессор латин палеография мактабини яратган. Мария Андреевна Островская (1914) эса Россия Шимоли халқларининг ўрта асрлардаги ҳаёти ҳақида илмий иш қилган ва университетнинг илк приват-доценти бўлган.

Университетда Россия тарихида ёрқин из қолдирган утопик- социализм намоёниси М.В. Буташевич-Петрашевский, танқидчи Д.И. Писарев, демократ, ёзувчи ва файласуф Н.Г. Чернышевский, сиёсатшунослар: П.А.

Кропоткин, Д. Благоев, П.А. Столипин, А.Ф. Керенский, П.Б. Струве, Д.А. Медведев мазкур факультетда таҳсил олишган. В.И. Ленин ҳуқуқшунослик факультетига имтиҳон топширган. Шунингдек, университетда таниқли ёзувчилар И.С. Тургенев, Г.И. Успенский, Л.Н. Андреев, Д.Н. Мамин-Сибиряк, В.В. Вересаев, Я. Райнис, шоирлар А.А. Блок, Н.С. Гумилев, композитор ва мусиқачилар М.И. Глинка, И.Ф. Стравинский, А.К. Глазунов, Е.А. Мравинский, рассомлар М.А. Врубель, Н.К. Рерих, А.Н. Бенуа, И.А. Билибин, В.Д. Поленов, Н.Н.Ге, И.Э. Грабарь, Г.С. Верейский, театр намоёндалари С.П. Дягелев, А.И. Сумбатов-Южин, В.И. Качалов, А.П. Брянцевлар ўқишган.

1916 йили университетнинг профессор-ўқитувчилик таркиби 379 ходим (81 нафар профессор, 200 приват-доцентлар, 81 ассистент)дан иборат бўлиб, таълим даргоҳида 6 394 талаба: ҳуқуқшунослик факультетида – 3 500, физика-математика факультетида – 2 177, тарих-филология факультетида – 605, шарқшуносликда – 112 нафари ўқишарди.

1917 йилдаги Февраль революциясини Санкт-Петербург университети олимлари хурсандчилик билан кутиб олишди ва Россияда олий таълимда ижобий ўзгаришлар бўлишига ишонишди. Аммо Муваққат ҳукуматнинг олий таълим тизимидан бошқа муаммолари кўп эди. Ҳукуматдан кўнгли совуган олимлар Октябрь революциясини кўллаб-қувватлашмади. Фуқаролик уруши даврида жуда кўп олимлар хорижга кетишди. 1920 йилларда кўпгина университет олимлари “академик иши” юзасидан ҳибсга олинди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ленинград давлат университети (ЛДУ) номини олган олий таълим даргоҳидан 2500 нафар талаба ва профессор-ўқитувчилар фронтга кетишди. Университетнинг барча факультет, кафедра ва лабораторияларида мудофаа буюртмалари тайёрлана бошланди. Шунга қарамай, ўқиш давом этарди. Аммо очлик ва касалликлар оқибатида 30 нафар профессор, 60 нафар доцентлар ҳаётдан кўз юмишди.

1942 йилнинг март ойида ЛДУ Саратовга эвакуация қилинади. Ленинградда қолган жуда ҳам озчилик профессор-ўқитувчи ва талабалар камал шароитида университетнинг бебаҳо илмий ва маданий бойликларини сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. 1944 йилнинг июнь ойида ЛДУ Ленинградга қайтади. Шу йилнинг 2 октябрдан университетда ўқув машғулоти тикланади.

## Бугунги кун



1997 йили Россия Федерациясининг ҳукумати “Санкт-Петербург давлат университети тўғрисида”ги махсус қарорини қабул қилади. Бугунги кунда олий таълим муассасасида 12 минг нафар ходимлар, 6 минг нафар профессор-ўқитувчилар (1500 нафар фан доктори, 3000 нафар фан номзодлари, 40 нафар академиклар) фаолият юритиб, 30 мингдан ортиқ талабалар турли йўналишларда таҳсил олишади. Университет бакалавриатида 51 та йўналиш ва 88 та дастур, 9 йўналишдаги мутахассислик ва 11 та дастур, магистратурада 38 та йўналиш, 104 та дастур мавжуд. Университетда 304 та кафедра, 21 та ресурс маркази фаолият юритиб, халқаро университетлар рейтингда 71 ўринни эгаллаб келмоқда.

2009 йили 10 ноябрь куни Россия Президенти Дмитрий Медведев “Санкт-Петербург давлат университети ва Москва давлат университетларининг ўзига хос мақоми тўғрисида”ги қонунга қўл қўйди. Унга кўра, университетлар давлат бюджетидан алоҳида таъминотга эга бўлиб, ўзлари мустақил равишда таълим стандартларини ва таълим дастурларини қабул қилишлари, илмий унвонларни мустақил равишда беришлари, илмий-педагогик лавозимларга мустақил равишда танлов эълон қилишлари, ўзлари ишлаб чиқилган кўринишдаги диплом беришлари мумкин. Университетларнинг ректорлари эса фақатгина Россия Президенти томонидан тайинланади.

СПДУ Россия университетларининг ичида биринчи бўлиб Европа университетларининг Коимбриг гуруҳига кирди.



**Наргис ҚОСИМОВА**